



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги  
Фуқаро авиацияси  
Агентлиги директори

Т.Э. Ўлжаев

2019 йил «08» 05

## ИКАО стандартларини жорий қилиш ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими тўғрисида НИЗОМ

Асос:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида давлат бошқарувчи тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон қарори.

### 1. Умумий қондалар

3. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) таркибий тўзилмаси ҳисобланади.

4. Бўлим ИКАО Стандартлари ва у Тавсия этадиган амалиётни жорий этиш ҳамда хорижий авиация тажрибасидан миллий амалиётда фойдаланиш мақсадидаги жорий ишларни амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, ИКАО меъёрий ҳужжатларига, Агентлик раҳбариятининг буйруқ ва кўрсатмаларига, бўлим тўғрисидаги низом, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ташкилоти ва фаолиятига доир бошқа ҳужжатларга амал қилади.

### 2. Бўлимнинг асосий вазифалари

6. Халқаро Стандартларни жорий этиш борасида Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясига дахлдор масалаларда Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО), унинг ишчи органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ИКАО Стандарт ва Тавсия қиладиган амалиётини жорий этиш масалалари бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш.

### 3. Бўлимнинг функциялари

8. ИКАО Стандартларини бажариш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш борасида таклифлар тайёрлаш.

9. Фуқаро авиация соҳасида халқаро Стандартларни бажариш масалаларида ИКАОнинг ишчи органлари билан ўрнатилган тартибда ёзишмаларни ташкил этиш.

10. ИКАО фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш. 1944 йилги Чикаго конвенциясидан келиб чиқадиган мажбуриятлар борасида тадбир ва таклифлар тайёрлашни мувофиқлаштириш.

11. ИКАО томонидан ўтказиладиган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси вакиллари (мутахассислари) делегациясининг иштироки ҳақида белгиланган тартибда таклифлар тайёрлаш, бу делегацияларнинг ушбу тадбирлардаги позицияси ва ташаббускорона таклифларининг ишлаб чиқилишини ташкил қилиш.

12. ИКАОнинг парвозлар ва авиация хавфсизлиги борасидаги Стандартлари ва Тавсиявий амалиётини ИКАО ҳужжатлари ва муолажаларига мувофиқ жорий этилишини мувофиқлаштириш, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идораларга ИКАОнинг тегишли ҳужжатларини ўрганишда ҳамда амалиётда қўллашда қўмаклашиш.

13. ИКАО билан имзоланган парвозлар ва авиация хавфсизлиги борасида узлуксиз мониторинг механизми бўйича Меморандумга мувофиқ ИКАОнинг Стандартлари ва Тавсиявий амалиётининг жорий этилишини мониторинг қилиш.

14. ИКАО билан имзоланган Парвозлар ва авиация хавфсизлиги борасида узлуксиз мониторинг механизми бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги Меморандумлар ҳолатларининг бажарилиши борасидаги мажбуриятларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш.

15. Ўзбекистон Республикасида парвозлар хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш тизимини яратиш ва жорий қилишга алоқадор маълумотларни ИКАОнинг узлуксиз мониторинг механизми бўйича онлайн тизими орқали доимий равишда тақдим этиш.

16. ИКАОнинг фуқаро авиацияси соҳасида хорижий тажрибадан фойдаланиш бўйича таклифларини республика вазирлик ва идораларига етказиш.

17. ИКАО фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-маълумот материалларини, шунингдек, ИКАОнинг расмий ҳужжатларини тегишлигига кўра республиканинг манфаатдор вазирлик ва идораларига етказиш.

18. ИКАО ҳужжатларининг маълумотлар фондини шакллантириш ва манфаатдор томонларга тақдим этиш. ИКАО расмий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритиш.

19. Тузатишлар бўйича келиб тушаётган таклифларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишни мувофиқлаштириш ҳамда ИКАО Стандартлари ва Тавсиявий амалиётига ўзгаришларни киритиш.

20. ИКАО Иловаларига амал қилиниши ҳақида белгиланган тартибда тайёрланган маълумотни ИКАОга юбориш.

21. ИКАО томонидан ўтказиладиган семинар, конференция, мажлис, кенгаш ва бошқа тадбирларда Ўзбекистон фуқаро авиацияси манфаатларини ифодалаш учун иштирок этиш.

22. ИКАО Стандартларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича тузилган идоралалараро ишчи гуруҳлар ишини мувофиқлаштириш.

23. ИКАО Стандартларини жорий қилиш билан боғлиқ масалаларда Давлатлараро авиация қўмитаси (ДАҚ) билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.

24. Республика эксплуатантларини, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳаво алоқлари соҳасида тузилган ҳукуматлараро ва бошқа битимларининг ИКАОда рўйхатдан ўтказилишини амалга ошириш.

25. Чикаго конвенциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган Битим тузаётган давлатларнинг халқаро ҳаво алоқалари билан банд бўлган авиакорхоналари бўйича ташишлар ҳақидаги ҳисоботларни, харажатлар бўйича статистик ва молиявий маълумотларни ИКАОга тақдим этишни назарда тутувчи мажбуриятлар бажарилишининг мониторинги.

26. Чет эл давлатлари ва ташкилотлари делегациялари билан, Агентликда ўтказиладиган учрашувларни тайёрлашда ва ташкил этишда иштирок этиш.

27. Бўлимни бўлим бошлиғи бошқаради.

28. Бўлим бошлиғи олий маълумотга, фуқаро авиациясида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши ҳамда чет тилини билиши ва давлат тилини ўз лавозим вазифалари доирасида эгаллаган бўлиши лозим.

29. Бўлим бошлиғи Агентлик директори ва унинг ўринбосарига бўйсинади ва ўз фаолиятини уларнинг раҳбарлигида амалга оширади.

#### 4. Мажбуриятлари

Бўлим бошлиғи:

30. Агентликнинг ташкил этилиши ва фаолияти ҳақидаги асосий ҳужжатларни, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияни (Чикаго конвенцияси), фуқаро авиацияси соҳасидаги бошқа Конвенция ва Баённомаларни, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) таркибини ва фаолиятининг асосий йўналишларини, ИКАО томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларни билиши лозим.

31. Бўлим ишини Бўлим тўғрисидаги низомга мувофиқ ташкил этади.

32. Бўлим ходимларини тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва ишдан бўшатиш ҳақида таклифлар тайёрлайди.

33. ИКАОнинг сессия, конференция ва бошқа кенгашларида фуқаро авиацияси вакилларининг иштирокини ташкил қилади.

34. Ўзбекистон Республикасининг ИКАО фаолияти масалалари борасидаги позицияси ҳақида ҳужжатларни тайёрлашни мувофиқлаштиради.

35. ИКАО фаолияти борасидаги иш дастурларини таҳлил қилади, ишчи ҳужжатларни ўрганadi ва тегишли таклифларни тайёрлайди.

36. Халқаро фуқаро авиацияси масалалари бўйича Халқаро авиация кўмитаси билан ҳамкорликдаги ҳаракатларни амалга оширади ва мувофиқлаштириб боради.

37. Чикаго (1944 й.) конвенциясидан, фуқаро авиацияси соҳасидаги бошқа Конвенция, Битим ва Баённомалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар борасидаги тадбирларни ишлаб чиқишда умумий бошқарувни амалга оширади.

38. ИКАО муаммолари бўйича республика вазирлик ва идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари борасидаги таклифларнинг ишлаб чиқилишини бошқаради ҳамда ушбу фаолиятнинг зарурий келишувини амалга оширади.

39. Парвозлар хавфсизлиги соҳаси ИКАО Стандартлари, Тавсиявий амалиётининг жорий қилинишини ташкил қилади ҳамда ИКАОнинг тегишли ҳужжатларини ўрганиш ва амалиётда қўллашда манфаатдор вазирлик ва идораларга ёрдам кўрсатади.

40. ИКАО Стандартлари, Тавсиявий амалиётининг кўриб чиқилиши, таҳлил қилинишини ташкил этади ҳамда давлатнинг бу масалалардаги позициясини ИКАО органларига ўз вақтида етказилишини назорат қилади.

41. Ўзбекистон Республикаси эксплуатантларидан ИКАО ва ДАҚ талабларидаги ҳисобдорлик шакллари бўйича статистик маълумотларни белгиланган муддатларда олиш билан боғлиқ ишларни олиб боради. Тайёрланган йиғма ҳисоботларни талаб этилган муддатларга мувофиқ ИКАО ва ДАҚга юборади.

#### 5. Ҳуқуқлари

Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

42. Ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг ваколатли орган ва ташкилотларидан зарур бўлган ҳар қандай маълумотни сўраш;

43. Фуқаро авиацияси соҳасида миллий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

44. ИКАО йўналиши бўйича ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

45. Бўлимнинг вазифа ва функцияларини бажариш учун авиакорхоналардан ҳужжат, ҳисобот, маълумот ва бошқа ахборотларни олиш;

46. Ўзбекистон Республикасининг ИКАОдаги иштироки билан боғлиқ алоҳида масалаларни ишлаб чиқиш учун Агентлик, манфаатдор вазирлик, идора ва авиакорхоналар ходимлари қаторидан ишчи гуруҳларини тузиш.

#### 6. Жавобгарлиги

Бўлим бошлиғи куйидагилар учун шахсан жавобгар:

47. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиш;

48. Бўлим фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;

49. прогноз кўрсаткичлари бажарилишини тизимли таҳлил қилиш ҳамда Бошқарма бошлиғига Бўлим томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишига қаратилган қўшимча чораларни қабул қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

50. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Транспорт вазирлиги ҳужжатлари ва топшириқларини бажаришни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизоми янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизоми мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

51. Агентлик қарорлари, Агентлик директори ва унинг ўринбосарининг буйруқлари ва топшириқларининг, ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш;

52. Бўлимнинг иш режалари ишлаб чиқилишини, тасдиқлаш учун Бошқарма бошлиғига киритилишини таъминлаш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш;

53. Бўлим фаолияти масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

54. Бўлимда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича кўриб чиқиш учун таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионализи, салоҳияти, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатларининг юксак даражаси кафолатланганлигини таъминлаш, профессионал малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, Бўлимда кадрлар захирасини шакллантириш;

55. Бўлим томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Бўлим томонидан тайёрланган ҳужжат лойиҳаларини кейинчалик Агентлик директори томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (визаланиши) учун кўриб чиқиш ва визалаш, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига қатъий мувофиқ ҳолда Транспорт вазирлигига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Агентлик раҳбариятининг топшириғига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Транспорт вазирлигида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

56. Агентликка киритилган таклифлар ва тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларни хорижий мамлакатларга чиқиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самардорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига сафарини ташкиллаштириш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорларининг талабларига тўлиқ мувофиқ равишда хизмат сафарларини амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самардорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш;

ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ва оқилона йшлатилишини таъминлаш;

58. Бўлим ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, муҳокама яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

59. Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, ёнгин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ва ижро интизоми, ички иш тартибларининг талабларига риоя қилиши, Бўлим ходимлари томонидан кўрсатилган қоидалар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

60. «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Бўлимда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг содир бўлишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

61. Давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва очиқлигини ошириш бўйича Агентлик директорига таклифлар киритиш;

62. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан очиқ ва бевосита мулоқотни йўлга қуйиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатда ва тартибда шахсий қабулларни, жумладан, жойларга борган ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларининг қабулини мунтазам ўтказиш;

63. Агентлик раҳбарларининг топширигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

64. Давлат сирини тоифасига киритилган ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш.


Бўлим бошлиғи



А.В.Касимов

**KELISHILGAN:**

Уринбосори



Лим О.Н.

Бош ҳуқуқий маслаҳатчи



Байбурина И.Р.

Молия – иқтисодиёт бошлиғи



Индина Н.У.

Ердამчиси



Гулямов Р.Д.

Қасаба уюшмаси комитаси



Гулямов Р.Д.